

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Рўйхатга олиниди  
№ МО2-97  
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2019 йил “о "негизи” даги  
1023-сонли буйруги билан  
тасдикланган

**“Давлат бюджетининг ғазна ижроси”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**Тошкент – 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус,  
касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини*

*Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2019 йил 18.10. даги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:** “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.  
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов .  
“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.  
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов.  
“Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гиясова  
“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова .  
**Маҳсус фанлар бўйича:** и.ф.н., проф. С.У.Мехмонов, и.ф.н., доц. З.Х.Каримова, кат. ўқит. Д.А.Тошмуҳаммедова, кат. ўқит. А.А.Остоноқулов, и.ф.н., доц. Б.К. Тухлиев, и.ф.н., доц. Х.А. Курбонов.

- Тақризчилар:** Нарусе Жиро – хорижий эксперт, Япония, ЛІСА ташкилоти  
Б.К.Ғойибназаров- Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги  
Кадрларни тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари Маркази  
директори, проф., и.ф.д.

*Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг қарори билан  
тасдиқга тавсия қилинган (2019 йил 30.08 даги 1-сонли баённома).*

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллый тикланишдан миллый юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишида замонавий таълим технологиялари.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Иқтисодиёт соҳасида замонавий-ахборот коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил.**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Давлат бюджети.

6.2. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси.

6.3. Бюджет ҳисоби ва назорати.

6.4. Инвестиция сиёсати

## **VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Давлат бюджети ғазна ижроси” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Давлат бюджети ғазна ижроси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетини;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижросини;
- бюджетлараро муносабатларнинг шакларини;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобини;
- бюджет ташкилотлари бюджет ҳисобини;

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси назоратини;
- инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини **билиши керак**.

#### **Тингловчи:**

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетини тузиш;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан фойдаланиш;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ғазна ижросини ташкил этиш;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобини юритиш;
- давлат молиявий назоратини амалга ошириш;
- давлат инвестицион сиёсатини фаоллаштириш;
- Ўзбекистонда худудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш;
- инвестицион мухитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш **қўникмаларига эга бўлиши лозим**.

#### **Тингловчи:**

- бюджет даромадлари ва ҳаражатларини динамик таҳлил қилишда иқтисодий моделларни қўллаш;
- бюджетлар ўртасида молиявий муносабатларни тартибга солинишини ҳисоблаш;
- юридик ва молиявий мажбуриятларни шакллантириш асосида ҳаражатлар тўлови жараёнларини таҳлил қилиш;
- ҳаражатлар ғазна ижроси ҳисобини юритиш;
- бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ва назоратини услубиёти ташкил этиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солишни асослаш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни асослашга оид **малакаларга** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- давлат бюджетининг ғазна ижросининг ахборот тизимларини билиш, улардан фойдалана олиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳаси бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;
- бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш;
- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этиш;

- давлат бюджетининг ғазна ижросининг халқаро амалиётдаги илғор тажрибалари имкониятларидан фойдаланишда давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимиға жорий этиш;

- корхоналарнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиши;

- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш каби **компетенцияларга эга бўлишии зарур**.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” гояси. Халқ

қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар кўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хуқуqlари. Гендер

муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини хисобга олиш масалалари.

Қонуности хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хукуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хукуқий хужжатларни кўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади,

лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

## **2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишида замонавий таълим технологиялари.**

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга нисбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида маълумотларни таркиблаништириш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида муаммо вазифаларини режалаштириш.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илғор тажрибалари. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараёнига татбиқ этишининг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараёнига самарали татбиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг таркибий тузилмаси ҳамда ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиш методикаси.

Ўқув жараёнининг норматив-хуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал хужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараённида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараённида фойдаланиш. Булутли технологиилар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари**

Ахборот технологияси ва ахборот тизими тушунчаси. Иқтисодий ахборот тизимлари. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси. Иқтисодий объекти бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари. Мижоз-сервер технологияси. Замонавий ахборот технологияларининг янги авлодлари ва улардан иқтисодиётда фойдаланиш. 3D технология. Сунъий ақл.

Электрон хукумат. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари. Электрон хужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш. Электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси. Электрон пуллар. Криптовалюталар ва блокчейн технологияси. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари. Иқтисодий ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялашнинг замонавий усуслари.

gov.uz- Хукумат портали; prezident.uz-Президент веб сайти; rm.gov.uz - Президент виртуал қабулхонаси; my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали; stat.uz –сайти интерфейси билан танишиб чиқиши. eStat 2.0

статистик ҳисоботларини йиғишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими демо версияси имкониятларини ўрганиш;

soliq.uz сайти билан танишиш. Сайтнинг интерактив хизматларидан фойдаланишни ўрганиш.

Интернетда тўлов тизимларида ишлаш. PayNet, FastPay, UniPay, E-pay тизимлари билан танишиш. Интернет дўконлар ва интернет биржа. Websum сайтида ишлаш.

Корхона иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва диаграммалар тузиш. Иқтисодий ахборотни фильтрлаш ва оралиқ натижалар олиш. Microsoft Excel дастурида мантиқий функциялардан фойдаланиш. Корхона ходимлари статистик таҳлилини амалга оширишга доир иқтисодий масалалар.

#### **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сұхбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари.**

Иқтисодиётнинг яхлит тизим сифатидаги хусусияти ва уни тизимли таҳлил қилиш методологияси. Тизимли таҳлил асосида олинган натижа ва хуносаларни илмий асослаб, оптималь қарор қабул қилиш. Иқтисодиёт соҳаларига мос объектларда тизимли таҳлил олиб бориш. Иқтисодиёт соҳасида тизимли таҳлил натижасидаги қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларидан фойдаланиш. Тизимли таҳлил объектларини бўлакларга ажратиб, уларни ечишда самарали усулларни кўллаш. Тизимли таҳлил натижасида олинган натижаларни оптималлаштириш. Иқтисодиётга оид мураккаб тизимларни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш. Тизимли тузилмага эга бўлган иқтисодий тизимларни бошқариш. Ўз касбий фаолиятини тизимли бошқариш. Иқтисодий тизим элементлари ҳисобланувчи бўлакларни интеграция қилиш ва ҳар қандай яхлитни дифференциация қилиш. Иқтисодий тизим тараққиётини, унинг ривожланиш тенденцияларини прогноз қилиш.

## **VI. МАХСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Давлат бюджети.**

Давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ҳамда қайта тақсимланиши. Бюджет тузилиши ва бюджет тизими. Давлат бюджетининг ҳукуқий асослари. Бюджет қонунчилиги ва бюджет тизими бюджетларини тартибга солишдаги аҳамияти. Бюджет сиёсати ва уни бошқариш. Давлат бюджети - давлат иқтисодий сиёсатининг қуроли сифатида. Бюджет сиёсати, унинг стратегияси ва тактикаси. Бюджет жараёни. Бюджет жараёни босқичлари: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш, бюджет ижроси юзасидан ҳисботларни тузиш ҳамда тасдиқлаш, бюджет жараёнининг барча босқичларини назорат қилиш. Бюджет таснифи ва унинг турлари: бюджетнинг даромадлари ва ҳаражатлари таснифи. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи. Бюджетлараро муносабатлар. Бюджетлараро муносабатларнинг шакллари. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш асослари. Иқтисодиётни ривожланишини таъминлашда давлат бюджетининг даромадларининг тутган ўрни ва аҳамияти. Давлат бюджетининг даромадлари тизими. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари, уларни бюджет даромадлари таркибида тутган ўрни. Давлат бюджети ҳаражатлари тизими. Давлат бюджетидан таълим тизими ҳаражатларини молиялаштириш тартиби. Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш ҳаражатлари. Бюджетнинг фан ва маданият ҳаражатлари. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот ҳаражатлари. Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя ҳаражатлари. Давлат бюджетининг давлат ҳокимияти, бошқаруви, суд, прокуратура органларини сақлаш ҳаражатлари. Давлат бюджетининг бошқа ҳаражатлари. Давлат бюджетининг ҳолати.

### **6.2. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси.**

Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросининг зарурлиги, шартшароитлари. Ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Ғазначилик ташкилий элементлари. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросининг ҳукуқий-меъёрий ва ташкилий асослари. Молия вазирлиги Ғазначилиги ва худудий ғазначилик органлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг таркибий тузилиши ва ваколатлари. Ягона ғазна ҳисобрақами ва шахсий ғазна ҳисобрақамларини очиш ва юритиш тартиблари. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари хўжалик шартномалари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби. Нархлар мониторинги. Молиявий мажбуриятларни шаклланишининг мазмуни ва зарурлиги. Ғазначиликда ҳаражатлар тўловини амалга ошириш тартиби. Ҳаражатларни амалга оширишга рухсат. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари ғазна ижросини

ташкил этиш. Бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ғазна ижросини ташкил этиш тартиби. Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини Ягона ғазна ҳисобрақамида юритиш ва ижросини амалга ошириш тартиби. Ғазначиликда давлат харидларини ташкил этиш ва бошқариш тартиби. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросини таъминлашда ахборот тизимининг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари. ДМБАТ, ЎРМВАТ ва UzASBO тизимларининг хусусиятлари. Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболлари. Ғазначилик амалиётида халқаро тажриба ва жаҳон андозалари.

### **6.3. Бюджет ҳисоби ва назорати.**

Бюджет ҳисоби ва назоратининг мазмуни ҳамда бюджет ғазна ижроси жараёнидаги аҳамияти. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услугий жиҳатлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ғазна ижроси ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳаражатларининг ғазна ижроси ҳисоби. Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисботлар. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида товар моддий заҳиралар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби. Бюджет ташкилотлари бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва ҳаражатлари ғазна ижроси назорати. Бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этишнинг хусусиятлари.

### **6.4. Инвестиция сиёсати**

Инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг роли. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш. Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, уни тартибга солиш йўналишлари ва тамойиллари хақида тушунчалар. Давлат инвестиция

сиёсатини фаоллаштириш кўникмаларини шакллантириш. Ўзбекистонда ҳудудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш. Инвестиция сиёсати соҳасида амалий таҳлиллар ва илмий изланишлар олиб бориш. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш тартиблари бўйича таҳлилий амалларни қўллаш. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Корхоналарнинг инвестицион сиёсати. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш. Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқиши.

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар грухи учун 1 та очиқ дарс ўтказади. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572 b.
32. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-T.: 2011. – 182 б.
33. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
34. Pulatov D., Nurmuxamedova B., “G’aznachilik”. Darslik. T: “Sano-Standart”, 2014 у.
35. Qosimova G.A. “G’aznachilik”. O’quv qo’llanma. T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015 у.
36. Karimova Z.X., Djomalov X.N., Islamqulov A.X. Byudjet tizimi. O’quv qo’llanma. “VORIS-NASHRIYOT ”. 2012. 208 b.
37. Burxanov U., Atamuradov T. Davlat xaridi. O’quv qo’llanma. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012 yil. -152 b
38. Мехмонов С. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”. 2012. 352 б.;
39. Mehmonov S. va Ubaydullaev D. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi. Darslik. – Т.: “Sano - standart”. 2013. 454 б.;

#### **IV. Интернет сайтылар**

40. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
41. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
42. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
43. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz).
44. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
45. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
46. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.
47. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
48. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор АРХАНГЕЛЬСКИЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР

“\_\_\_\_\_ й.



Тошкент джамият илмий-методик университети

Ректор Б.Ю. Ходиев

201\_ й.



Тошкент джамият илмий-методик университети  
хуруридан оғозиган кадрларини қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
тармок маркази

Директор Г.Н. Ахунова

“\_\_\_\_\_ й.



М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш хамда  
мувофикалаштириш бошқармаси

Бошқарма бошлиги Ф.Т.Эсонбобоев

“\_\_\_\_\_ й.

М.Ү.

